# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 5-IYUL, JUMA, 82 (8163)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Айни кунларда Андижон туманидаги “Хакан ташлама” коллекторида тизимли таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. “Анд мел-ир таъмир” масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан бажарилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Ер ости сувларининг кўтарилиши оқибатида ўнлаб фермерларнинг далаларида ҳосилдорликнинг пасайиши юзага келганди. Энди эса манзара тамомила ўзгача... 2



Молия муассасаси томонидан йўналтирилган сармоялар натижасида кўпгина тадбиркорлар ва қишлоқ мулкдорлари озиқ-овқат, саноат ҳамда сархил мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етиштиришда астойдил меҳнат қилиб, ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиб келаётир. Юртимиз бозорларининг озиқ-овқат ва сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлалиги кўзни янада қувнатади. 3



Тахтақорача довони ўзининг хушманзара табиати билан кишини мафтун этади. Адирлар бағридаги бу сўлим гўшада кўплаб болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган. Улардан бири “Муборакнефтгаз” давлат унитар шўъба корхонасига қарашли “Ёш алангачи” оромгоҳидир. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!




**Зафаробод тумани ғаллакорлари бу йил давлатга 30 минг тоннага яқин дон сотдилар. Айни пайтда улар ҳосили саранжомлаб олинган пайкалларнинг сомонини йиғиш ва пешма-пеш шудгорлаш ишларини авж олдиришяпти. Туман далаларида 28 та унумдор ҳайдов техникаси жавлон урмоқда.**

Жиззах Вилояти



# ИШЛОВ АВВАЛ ЕРГА, СЎНГ ЭКИНГА

## ҒАЛЛАКОРЛАР ҲОСИЛДАН БЎШАГАН ЕРЛАРНИ ПЕШМА-ПЕШ ШУДГОР ҚИЛИШМОҚДА

— Деҳқончиликда “иккита ишлов” деган тушунча бор, — деди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Яхшибой Тўйчиев биз билан иккита ҳайдов трактори ишлаётган ғаллапоя майдонига кираркан. — Бу ишловлар тупроқ унумдорлиги ва экин ҳосилдорлигини оширадиган муҳим ишловлардир. Биринчиси — тупроққа ишлов бериш, иккинчиси — уруғ экилиб, ундириб олингач, экинга ишлов бериш. Фермер ва деҳқонларимиз доимо иккала ишловга ҳам бирдай эътибор беришиб, ўз вақтида, сифатли ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Тупроққа ишлов бериш ҳар бир дала ҳосили ўриб-йиғилиб, сомони олингандан сўнг дарҳол амалга оширилади. Бу — ерни шудгорлашдан бошланади. Далаларимизни ўрим-йиғимдан сўнг тез ва асло пайсалга солмай, шудгорлаб қўяётганимизнинг сабаби шуки, пешма-пеш шудгорлашда ер шу пайтгача қалин ва бўйчан ғалла экини соясида бўлгани учун 2-3 кунгача тупроқ қотиб қолмайди. Бундан биринчидан, плуг тишлари чуқурроқ ботиб, техника зўриқмайди, иккинчидан, ерни ағдаришда кўчадиган кесаклар бирмунча кам ва кичик бўлади. Бундай кесакларни майдалаш катта куч ва харажат талаб этмайди. Фермер ва унинг ишчилари ўз кучлари ва майда техникалар билан ҳам уддалашади.

Дала ўрим-йиғимдан сўнг пешма-пеш шудгорланганда, тупроқнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари тикланади. Экин экилган дастлабки пайтлардан то ўрим-йиғим амалга оширилгунча далада ишлаган техника воситалари зичлаштириб юборган тупроқ устки қатлами юмшаб, унда сув-ҳаво-иссиқлик-озиқа режими яхшиланади. Фойдали микроорганизмлар қўзғалиб, далаларда экин томонидан ўзлаштирилмай қолган маъданли ва маҳаллий ўғит улушлари чириб, тупроққа сингади. Бу эса, эндиги экиладиган экинга дастлабки озиқа бўлади.

Ҳозирги саратон қуёши олов пуркаб турган кунларда шудгорлашнинг бошқа фойдали жиҳатлари ҳам анча. Жумладан, ғалладан бўшаган майдонларда ошён қурган зараркунанда ҳашаротлар нобуд бўлади. Ғалла пишуви олдидан пайкалда пайдо бўлган бегона ўтлар уруғи пишмай қовжираб қурийди. Шу тариқа ернинг навбатдаги экин экилгунча оладиган ҳордиғи яхшиланади.

Яхшибой Тўйчиев узоқ йиллик деҳқончилик тажрибасига эга бўлган чўлқуварлардан. Олим-агроном. Деҳқончилик фаолиятини оддий звено ва бригада бошлиқлигидан бошлаган бўлса-да, йирик пахтачилик хўжалигида бўлим бошқарувчиси, бош ҳосилот ва директор вазифаларида ишлаб, ўзига хос тажриба дарсхонаси яратган киши. Шунинг учун туманда барча фермер ва деҳқонлар унинг маслаҳат ва кўрсатмаларини тинглашади, билмаганларини сўраб билишга ҳаракат қилишади...

Яхшибойнинг гапларига қизиқиб кетиб, ёш механизатор Элнур Тоштемиров бошқараётган баҳайбат ва юқори иш унумли ҳайдов трактори ёнимизга келиб тўхтаганини ҳам сезмабман. Трактор кабинасидан техника жиловкори билан бирга ушбу дала соҳиби, “Жомбой” фермер хўжалиги ишчиси Олимжон Сафаров ҳам тушиб келди.

(Давоми 2-саҳифада)




Наманган Вилояти

## ГАЗ ВА КИСЛОРОД БАЛЛОНЛАРИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

**Наманган шаҳридаги “Махсус металл саноат” масъулияти чекланган жамиятида янги маҳсулот, яъни юк ва енгил автомобилларга юқори босимли метан газ ҳамда кислород баллонлари ишлаб чиқарила бошланди.**

Ҳозирча Марказий Осиёда ягона бўлиб турган корхонага Германиядан сўнгги русумдаги дастгоҳлар олиб келиниб ўрнатилган. Шу боис, ишлаб чиқариш мураккаб босқичларга асосланиб, хомашё тайёр маҳсулотга айлангунга қадар 43 та технологик жараёндан ўтади. Уларнинг 14 таси эса синов жараёнларидир.

— Корхона қошида ташкил этилган аккредитланган синов лабораториямизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ультратовушли, пневматик ғилдиракли ва техник синовлардан мунтазам равишда ўтказиб турилади, — дейди лаборатория мутахассиси Қудрат Шодмонов. — У меъёрий ҳужжат талабларида белгиланган кўрсаткичларга нисбатан икки баробар юқори натижаларни қайд этади. Бу маҳсулотларимизни камида ўн беш йилга кафолатлайди.

Корхонада иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, 65 нафар ишчи-мутахассиснинг кўпчилиги коллеж битирувчилари ҳисобланади. Айни пайтда улар томонидан 50, 65, 75, 80, 100 литрли газ ҳамда 40 литрли кислород баллонлари ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йил ишлаб чиқариш ҳажми 60 минг донани ташкил этиб, йил якунига қадар корхонанинг иккинчи босқичи ишга туширилгач, маҳсулот ишлаб чиқариш икки баробарга ортади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

Қорақалпоғистон Республикаси

## АҲОЛИГА СИФАТЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

**“Чимбой дон” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Чимбой нон” ишлаб чиқариш корхонасида айни пайтда бир кунда 1-1,5 тонна нон, 300-350 килограмм макарон ишлаб чиқарилмоқда.**

Германиядан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар туман ҳудудидаги 30 дан зиёд савдо шохобчалари, даволаш ва мактабгача таълим муассасаларига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Ўн икки киши меҳнат қилаётган жамоа яқин кунларда маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилашни режалаштирмоқда.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Қашқадарё Вилояти

**Касби туманидаги Тўймурод Норов раҳбарлик қилаётган “Рамзиддин Йўлдошев” фермер хўжалиги ғаллакорлари ҳар гектар майдондан 120 центнердан сара дон йиғиштириб олдилар.**

## ҲАР ГЕКТАРДАН 120 ЦЕНТНЕР

7 гектар экин майдонида буғдойнинг “Селянка” навини парваришлаган хўжалик миришкорлари эл хирмонига ҳар қачонгидан кўп дон топширишди. Жамоа аъзолари ҳам хизматига яраша рағбатлантирилди. Астойдил қилинган меҳнат маҳсули кўтарилган ҳосил хирмонида намоён бўлди.

— Биз ушбу муваффақиятимизни Истиқлолимизнинг 22 йиллик тўйига камтарона туҳфа деб биламиз, — дейди фермер. — Ҳосилни тез ва соз саранжомлашда туман ММТП комбайнчилари алоҳида жонбозлик кўрсатишди. Эндиги вазифамиз ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экинга тайёрлашдан иборат. Бу борадаги юмушларни ҳам, албатта, ўз вақтида уддалаймиз.

Тумандаги 655 та фермер хўжаликларида ғалла етиштирилади. Айни пайтда уларнинг 90 фоиздан ортиғи зиммаларидаги шартнома режасини ортиғи билан адо этишди. Тумандаги “Ифтихор Ашуров” фермер хўжалиги мавжуд ғалла майдонининг ҳар гектаридан 108 центнердан, “Орипов Ором Орипович”, “Сайфулло бобо Рўзиев”, “Тилов бобо Неъматов” каби фермер хўжаликлари эса 90-95 центнердан ҳосилдорликка эришишди.

Касбилик деҳқонлар жорий йилда давлатга 50 минг тонна дон етказиб бериш бўйича шартнома имзолашган. Айни пайтда далаларда 43 та комбайн юқори унум билан ишлаяпти. “Дунё-М” очиқ акциядорлик жамиятининг Шакаржўй ва Фазли дон қабул қилиш масканлари бугунгача касбилик ғаллакорлардан 45 минг тоннага яқин сара дон қабул қилиб олди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

▼ ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

## КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2013 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти якунлари ва иккинчи ярим йилликда белгиланган режалар, шунингдек, Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб тайёргарлик кўришга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси И.Мирзаалиев ҳисобот даврида Жамоатчилик кенгаши томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлади.

Мазкур ҳужжатда Жамоатчилик кенгаши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва Мудофаа вазирлиги фаолиятида очиқ-ошкораликни таъминлаш, фуқаролар ва жамоатчиликнинг мудофаа соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсатидаги иштирокини кенгайтириш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ҳарбий хизматни ўтаётган ва армия сафига чақирилаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши алоҳида қайд этилган.

Жамоатчилик кенгаши ҳузурида бешта комиссия ташкил этилган. Биринчи комиссия мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий масалалари юзасидан жамоатчилик фикри мониторингини юритади ва уни чуқур таҳлил қилади. Шу асосда соҳани такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар билдиради.

(Давоми 2-саҳифада)

## ФАРЗАНДЛАРИНИНГ МАЪНАВИЯТИ ЮКСАК ЮРТНИНГ ЭРТАСИ ЁРУҒ

**Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида мамлакатимиздаги янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда ҳар бир фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи ғоят долзарб аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилган.**

Дарҳақиқат, бугун барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг самарадорлиги, аввало, халқимиз маънавиятини тиклаш, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълим ривожи, энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқ. Айниқса, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол шахс қилиб тарбиялашда маданият ва спорт соҳасида олиб борилаётган тизимли ишлар бунинг ёрқин исботидир.

Миллий матбуот марказида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда ҳам жорий “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида вазирлик томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар амалга оширилган ҳамда келгусида бажарилиши режалаштирилган ишлар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

(Давоми 4-саҳифада)

Навоий Вилояти

## ҚОРАМОЛЛАР СОНИ ЮЗ БОШГА ОРТАДИ

**“Навоий ИЭС” ОАЖнинг Кармана туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган хўжалигида 84 бош наслдор моллар парваришланмоқда.**



Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган сурат.

Бу ердаги 26 бош соғин сигирдан кунига қарийб 250-300 литр сут олиниб, “Кармана сут” МЧЖга қайта ишлаш учун юборилмоқда. Айни кунда хориждан 100 бош зотли қорамол келтириш юзасидан шартнома тузиляпти. Шунингдек, 250 бош қорамолга мўлжалланган замонавий бино барпо этилаётир. Келгусида бир кунда 2 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга мини цех ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Азимжон ХУШВАҚОВ**

Андижон Вилояти

▼ МЕЛИОРАЦИЯ

# ЗАМИН СОҒЛИГИ – МЎЛ ҲОСИЛ ОМИЛИ

**Шаҳрихон туманидаги "Тўлқин ғаллазор замини" фермер хўжалиги далаларида ғалладан мўл ҳосил тўпланди. Бу ерда апробация ўтказилганда ҳосилнинг мўллиги мутахассислар томонидан алоҳида қайд этилди. Ҳосилдорлик гектарига 70 центнер дея баҳоланди.**
**Фермер Улуғбек Деҳқоновнинг таъкидлашича, бунинг асосий омилларидан бири ернинг унумдорлигини таъминлашга қаратилган эътибордадир.**



"Норин-Қорадарё" ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига қарашли гидрогеология мелиорация экспедицияси мутахассислари фермер хўжалиги жойлашган Найнаво массивидаги фермерларнинг далаларини синчковлик билан ўрганишди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, Қатортол коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклашни асло кечиктириб бўлмайди. Шу боис, лойиҳа тайёрланиб, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасига ҳавола этилди.

Ушбу лойиҳа бўйича узунлиги 34 километр бўлган Қатортол коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш учун 305 миллион сўм маблағ ажратилди. Тендер савдосида "Сарой зийнати" масъулияти чекланган жамияти ғолиб бўлди ва тўрт ярим ой ичида ишни якунлаш бўйича тайёрланган режани адо этишга киришди.

Салкам минг гектар ерни соғломлаштиришга қодир бўлган Қатортол коллекторида олиб борилаётган ишлар боис зовурларнинг "кўзи" очилиб, ер ости сувларининг пасайиши жонланиб кетди. Анваржон Умаралиев раҳбарлигида амалга оширилаётган лойиҳа ижросида мунтазамлик мавжуд эканлиги ҳар бир дала кўринишида ўз исботини топиб турибди. Яқиндагина Шаҳрихон аграр-сервис касб-ҳунар коллежини битириб, Ғафуржон Тожибоевга шогирд тушган Дилшодбек Ғаниевнинг замонавий русумдаги экскаваторни моҳирлик билан бошқараётганлигини кўриб ҳавасимиз келди. Ҳозирда бу ерда 8 нафар экскаваторчи меҳнат қилаётир. Лойиҳа бўйича белгиланган ишларнинг қарийб 95 фоизи ўз ижросини топиб бўлди. Ҳадемай Қатортол коллекторида бажарилиши керак бўлган ишлар поёнига етказилади. Шаҳрихон тумани бош мелиоратори Комилжон Мамажоновнинг эътироф этишича, ушбу лойиҳа бўйича амалга оширилаётган тадбирлардан барча фермерларнинг хурсандлиги дала манзарасида кўриниб турибди.

Ер ости сувларининг "кўзи"ни очишда қиялик ва нишаблик асосий кўрсаткич ҳисобланади. Гидрогеология мелиорация экспедицияси раҳбари Хушнудбек Ҳамидовнинг эътироф этишича, "Сарой зийнати" МЧЖ экскаваторчилари айни қиялик ва нишабликни таъминлашда муайян тажрибага эга. Улар томонидан қайси ҳудудда иш олиб борилмасин, натижасидан биринчи навбатда фермерларнинг хурсанд бўлаётганлигининг сири ана шунда. Бугун нафақат Улуғбек Деҳқонов, балки Қатортол коллектори қазилиб, чуқурлаштирилишидан массивдаги барча фермерларнинг кайфияти баланд. "Сардор зийнати", "Қўрғонча озод диёри", "Ўктам" каби фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз далаларида парвариш қилинаётган экинларнинг ривожда эканлигини кўп бор қувониб гапириб беришди. Бу қувончларнинг замирида ғалла ҳосилдорлиги гектарига аввалги йилларга нисбатан 8-10 центнер, пахта эса 5-6 центнерга ортиши турибди.

Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2008 йил 19 мартдаги "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори амалга оширилаётган ишларда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2012 йилда 21 та лойиҳа бўйича таъмирлаш ва тиклаш ишлари олиб борилиши натижасида 1089 километр узунликдаги зовурлар тозаланди. Бунинг учун 8 миллиард 541 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. Қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича 13 та объектда иш олиб борилди ва 6 миллиард 887 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, бу борадаги топшириқ тўла адо этилди.

Жорий йилда тизимли таъмирлаш ва тиклаш ишлари бўйича 15 та, қуриш ва реконструкция қилиш учун эса 10 та лойиҳа мавжуд. Бунинг учун жамғарма томонидан 18 миллиард 613 миллион сўм маблағ йўналтирилиши белгиланган. Тендер савдоларида ғолиб бўлган меҳнат жамоалари томонидан жорий йил учун режалаштирилган ишлар олиб борилмоқда.

Ёпиқ дренажларни ювиш-тозалаш, мелиоратив қудуқларни таъмирлаш ва тиклаш борасида ҳам тизимли тарзда ишлар олиб борилмоқда. Ўтган йили ана шу тадбирлар ижроси натижасида 5 минг 250 гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди.

Айни кунларда Андижон туманидаги "Хакан ташлама" коллекторида тизимли таъмирлаш ва тиклаш лойиҳаси амалга оширилмоқда. "Анд мел-ир таъмир" масъулияти чекланган жамияти жамоаси томонидан бажарилаётган ишлар ўз самарасини бера бошлади. Ер ости сувларининг кўтарилиши оқибатида ўнлаб фермерларнинг далаларида ҳосилдорликнинг пасайиши юзага келганди. Энди эса манзара тамомила ўзгача. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, "Омад-97" фермер хўжалигининг раҳбари Омадхон Ҳомидованинг бизга айтишича, бу йил армондан чиқиб, деҳқончилик қилмоқда.

Балиқчи тумани Бўстон массивидаги зовурларнинг тизимли таъмирланиши ва тикланиши амалга оширилаётганлиги боис буғдой ва ғўзани шўр қисиб қўйиши ҳолати барҳам топа бошлади. Бу ерда меҳнат қилаётган Маҳаммадали Ҳусанов, Эгамберди Юнусов каби экскаваторчилар кунига 600-700 метргача узунликдаги зовурларни қазиб, чуқурлаштиришга улгуришяпти. "Улуғнордавсувмахсуспудрат" унитар корхонаси жамоаси томонидан амалга оширилаётган мелиоратив тадбирлар самараси кўзга ташлана бошлади. Энг йирик массивлардан бири бўлмиш Бўстон ҳудудида деҳқончилик қилаётган жуда кўплаб фермерларнинг ишни янада яхшироқ ташкил этишларига имконият юзага келмоқда. Тажрибали фермер Аҳмаджон Қирғизовнинг ҳисоб-китобларига қараганда, ғалла ўрим-йиғимини ўтказган барча ҳамкасбларининг юзлари ёруғ бўлаётир.

Ирригация-мелиорация ишлари учун белгиланган Давлат дастурининг ўз вақтида сифат билан амалга оширилаётганлигидан фақат фермерларгина эмас, ўн минглаб шахсий томорқа эгалари ҳам бирдек манфаат кўраётганлиги тўкинсочинликда ҳам намоён бўлаётир. Бугун бозорлардаги маҳсулотлар хилининг бисёрлиги ва арзонлиги озиқ-овқат билан таъминлашда барқарорлик мавжуд эканлигини исботлаб турибди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

Гулистон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Республика Ҳарбий прокуратураси Сирдарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташаббуслари" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши депутатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, вилоятдаги ҳарбий қисмлар хизматчилари, олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари профессор-ўқитувчилари, талаба ва ўқувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

# ОСОЙИШТА ҲАЁТ – ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Давра суҳбатида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари — Республика ҳарбий прокурори Шуҳрат Узоқов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, минтақавий хавфсизлик масалаларини тинч йўл билан ҳал этиш, ўзаро ҳамкорлик тамойилларига амал қилиш борасида давлатимиз томонидан катта ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Тадбирда айтилганидек, 2012 йилда Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинганлиги мамлакатимиз ташқи сиёсатининг узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини белгилаб берди. Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиниб, минтақа мамлакатлари томонидан имзоланган тегишли шартнома БМТ томонидан расман рўйхатга олинди. Юртбошимиз 2010 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида ташкил этилган БМТ Бош Ассамблеясининг Минг-йиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида халқаро ҳамкорликнинг Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга хизмат қиладиган янги моделини, яъни 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Давлатимиз раҳбари томонидан Афғонистон муаммоси, терроризм, диний экстремизм ва гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш ҳамда Марказий Осиё ҳудудидаги экологик муаммолар юзасидан билдирилган қатор таклифлар халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини тортди. Шунингдек, давра суҳбатида маънавий ва ахлоқий тубанликка асосланган "оммавий маданият" ниқоби остида кириб келаётган замонавий таҳдидларга қарши курашда хушёрликни йўқотмаслик, ёшларни бундай бухрон ва ғоялардан асраш, улар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш кераклигига ҳам эътибор қаратилди.

Билдирилган фикр ва таклифларда халқаро терроризм ва бошқа трансмиллий таҳдидларга қарши кураш борасида маҳаллий ҳокимият вакиллари, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ролини ошириш, шунингдек, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда турли маданий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиб, бугунги тараққиёт ва бунёдкорлик ишлари замирида осойишта ҳаёт турганлигини ёшларга чуқур англатиш лозимлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Тадбирда вилоят ҳокими О.Ашурматов иштирок этди.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# КЕНГАШ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Кейинги комиссия соҳага тааллуқли айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни жамоатчилик экспертизасидан ўтказади. Учинчи комиссия эса ҳарбий хизматчилар ва захирага бўшатилган фуқаролар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланади. Тўртинчи комиссия маданий-маърифий, ҳарбий-спорт тадбирларини ташкил қилиш, бешинчи комиссия оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг ёритиш, миллий армиямиз обрў-эътиборини оширишга ёрдам беради.

Кенгайтирилган йиғилишда Жамоатчилик кенгаши комиссиялари раҳбар ва аъзоларининг жорий йил олти ойи мобайнида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди.

Ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий қисмларда ижодкорлар, маданият ва санъат намояндалари иштирокида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, уларни буюк аждодларимизнинг бебаҳо мероси билан таништириш, фойдали дам олишини ташкил қилишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, ўнлаб учрашувларда Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳарбийларнинг хизмат шароитлари, ўзи ва оила аъзоларининг яшаш ҳамда дам олиш шароитлари билан танишди. Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаларини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Жамоатчилик кенгашининг 2013 йил иккинчи ярим йилликдаги асосий вазифалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига муносиб тайёргарлик кўриш ишлари белгилаб олинди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимидаги энг яхши сайт" танлови ташкил этилди.**



Умумий ўрта таълим мактаблари сайтларини яратиш ҳамда улар фаолиятини тарғибот қилиш орқали ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ижодий фаоллиги, ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишга қизиқишини ошириш мақсадида ўтказилган мазкур кўрик-танловда "Халқ таълими муассасасининг энг яхши веб-сайти", "Энг яхши ўқитувчи веб-сайти", "Энг яхши ўқувчи веб-сайти" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди.

Вазирликнинг moodle.uzedu.uz масофавий таълим порталига танловда қатнашиш учун 200 га яқин талабномалар келиб тушган. Улар орасидан тизим фаолиятини такомиллаштиришга лойиқ деб топилган веб-сайтлар танлаб олинди. Унга кўра, "Халқ таълими муассасасининг энг яхши веб-сайти" бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 166-мактабнинг www.school166.uz расмий сайти, "Энг яхши ўқитувчи веб-сайти" йўналиши бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактаб ўқитувчиси Ольга Мячинанинг сайти, "Энг яхши ўқувчи веб-сайти" йўналиши бўйича Навоий вилояти Учқудуқ шаҳридаги 7-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Шоҳжаҳон Икромовнинг сайти эътироф этилди.

– Умумий ўрта таълим мактаблари, ўқитувчи ва ўқувчилар сайтларини яратиш ва тарғиб қилиш орқали тизимдаги ижодий фаоллик янада ортмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 50-мактаб ўқитувчиси Ольга Мячина. – Бу эса, ўз навбатида, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиясидан унумли фойдаланиб, таълим жараёнларида юқори самарадорликка эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ўқитувчи ва ўқувчилар веб-сайтлар орқали турли электрон дарсликлар, бадиий ва илмий адабиётлардан фойдаланиш, шунингдек, маълум порталлар, тармоқлар орқали бир қатор форумлар, маҳаллий ва халқаро конференция ҳамда танловлар ҳақида кенг маълумотлар олиш, уларда иштирок этиш имкониятига эга бўлишмоқда.

**Жалол ИСАЕВ**
*Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.*

# ИШЛОВ АВВАЛ ЕРГА, СЎНГ ЭКИНГА




**(Боши 1-саҳифада)**

— Ҳа?!... Шундай зўр тракторчига ишонмадингми? Сифатсиз шудгорлайди, деб ўйладингми? Элнур ёш бўлса ҳам кўплаб манаман деган механизаторлардан қолишмайди.

— Йўқ, бундай эмас, — дея ўзини оқлай бошлади Олимжон. — Пайкалимизнинг нариги увати ва уват ортидаги зовур устига ошқовоқ, анжирқовун экканмиз, палаклар ўрталиғига эса маккажўхори ва ловия уруғлари ташлаб қўйгандик. Ошқовоқ ва қовунларимиз ривожига гап йўғ-а, лекин ловиямиз ҳам шундай авж олиб кетдики, маккажўхори пояларига чирмашиб, «кимўзар»га бўй чўзмоқда, ҳосили ҳам ғуж-ғуж. Пишиб қолди. Қўш ҳайдаётган қўшчиларга ловия шўрва пишириб берайлик деб, бир халта ловия териб келаётирман. Шўрвага аталган яна иккита даканимиз ҳам бор.

Қарасам, тонг саҳарда келиб иш бошлаган бу азаматлар чошгоҳга бормай 30 гектар еримизни шудгорлаб бўлишадигандай. Ўйлаб-ўйлаб, ловия шўрва билан кузатмоқчи бўлдим.

Ҳосилимиз баракали бўлди. Йигирма икки гектар майдонни ўрибоқ давлатга шартнома режамиздаги 90 тонна ҳосилни етказиб бериб, ортиқчасига яна 21 тонна хом ашё топширдик. Мана, бугун шудгорлаб бўламиз-у, ғалла билан боғлиқ ишлардан қутуламиз. Энди ғўза парваришини янада авж олдирамиз. Ҳозир ҳам ҳар туп ғўзамизда ўнлаб гул ва кўсаклар тизилиб қолди. Шу кунларда бундан бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да. Ахир, бу йил ҳар гектар пахтазоримиздан шартномадагидай 29 ҳам, бултургидай 31 ҳам эмас, 35 центнердан «оқ олтин» топширмоқчимиз-а!

Олимжоннинг гапларидан билиниб турибдики, хўжалик аъзоларининг шаҳдлари юксак аҳдларига яраша.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Бухоро Вилояти

**Дала-деҳқончилик ишларининг ўз тартиб-қоидалари, талаблари бор. Ана шу жиҳатларга эътибор қаратган деҳқоннинг меҳнати кутилган натижани беради.**




— 145 гектар ерда пахта, 35 гектар майдонда эса ғалла етиштирамиз, — дейди Ғиждувон туманидаги "Мирзо Ўринов омади" фермер хўжалиги раҳбари Мирзо Ўринов. — Агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш учун техникаларимиз етарли. Ўтган йиллардаги даромадимиз ҳисобига хўжалигимиз иқтисодини анча мустаҳкамлаб олдик.

Иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам хўжаликда бошқа тармоқлар ҳам ривожланмоқда. Хусусан, хизмат кўрсатиш соҳаси. Фермер маҳалла аҳолисига хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриб берди. Бу ерда сартарошхона, ошхона, тикув цехи фаолият юритмоқда. Шунингдек, 10 бош қорамол, 50 бош қўй, 100 бош паррандa харид қилиб, қўшимча тармоқлар фаолияти йўлга қўйилди. Бундан ташқари, банк кўмагига таяниб 1,5 гектар майдонда иссиқхона ҳам ташкил этилган.

Фермер хўжалигида қўлга киритилган ютуқларда жамоа аъзоларининг ҳиссаси катта. Ўз навбатида, уларга яратиб берилган шарт-шароит, меҳнатга яраша рағбатлантириш тизимининг тўғри йўлга қўйилгани меҳнат унумдорлигининг ошишига омил бўлмоқда.

Мирзо ака фермер бўлгач, ишни хўжалик учун янги шийпон қуришдан бошлаганди. Ҳавас қилишга арзигулик лойиҳа асосида қурилган мазкур шийпон бугун хўжаликнинг барча талабларига жавоб беради. Бу ерда ишчиларнинг дам олиши, овқатланиши, ювиниши, маданий ҳордиқ чиқаришидан тортиб, техникаларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш имкониятлари, хўжаликнинг кундалик эҳтиёжига сарфлаш учун сабзавот ва полиз экинлари парваришланаётган томорқа ери, ҳатто қорамол, қўй, паррандa парваришлаш учун ҳам шароит яратилган.

— Деҳқончилик маданиятида гап кўп, — дейди Мирзо ака. — Қишнинг қаҳратонида ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам меҳнат қилаётган хўжалик аъзоларининг кўнглига йўл топиш, уларнинг меҳнатини ўз вақтида рағбатлантириб туриш, бир сўз билан айтганда, уларни қадрлаш деҳқончилик маданияти асосини ташкил қилади. Шундагина ишчининг меҳнатга муносабати ўзгаради. Меҳнатга ижобий муносабат бор жойга эса қут-барака ёғилаверади.

Суҳбатимиз шу ерга етганида, хўжаликнинг уч-тўрт нафар механизатори, 15-20 нафар кетмончиси дала шийпонига тушликка келишди. Водопровод жўмрагидан оқиб турган зилол сувдан юз-қўлларини ювиб, бирин-кетин замонавий совиткичлар ўрнатилган муздек хонага киришди. Ошхонада эса улар учун тайёрланган иссиқ овқат сузилди. Бу ҳол хўжаликдаги ҳар кунлик одат экани уларнинг хатти-ҳаракатидан сезилиб турибди. Даладаги сувчиларнинг кўчма уйларига эса иссиқ овқат фермернинг машинасида етказиб берилар экан.

Ҳа, Мирзо аканинг дала шийпонида кўрганларимиз, аниқроғи, хўжаликда меҳнат аҳлига қаратилган бу каби эътибор кимгадир муболаға бўлиб туюлиши мумкин. Шундай фикрга борган кишига фермернинг қуйидаги сўзлари изоҳ бўлса ажабмас:

— Бугунги фермер ҳаракатчан бўлиши керак. Ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, дадил ҳаракат қилган одамнинг ишида унум бўлади. Мўмайгина даромадга эга бўлаётган фермер учун битта дала шийпони қуриб, уни жиҳозлаш мушкул иш эмас. Юракда ғайрат-шижоат бўлса бас. Хўжалик аъзолари бундай ғамхўрликдан руҳланиб, янада яхшироқ меҳнат қилишади. Қилинган харажат ўрнини эса меҳнат орқасидан келаётган даромадлар қоплаб кетаверади.

Фермер шу кунларда банкдан 1 миллиард 400 миллион сўм миқдорида кредит олиб, паррандачиликни ривожлантириш ниятида юрибди. 90 минг бош паррандага мўлжалланган бино қуриб битказилган. Бу ерга компьютер ёрдамида бошқариладиган замонавий технология олиниб, тез кунларда ишга тушириш режалаштирилган.

**Ҳамроз АЛИ**

Навоий Вилояти

▼ РЕКЛАМА ЎРНИДА

# САРМОЯЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

AGROBANK

## БУНИ АГРОБАНКНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР, КЎРСАТИЛАЁТГАН ИШОНЧЛИ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТЛАР ҲАМДА ЭРИШИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАРДА ЯҚҚОЛ КЎРИШ МУМКИН

**Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш корхоналарини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Бунинг натижасида юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги ошиб бормоқда.**
**Таъкидлаш жоизки, бу жараёнга банклар ҳам ўзининг муносиб улушини қўшмоқда. Агробанк томонидан айни шу жабҳаларда амалга оширилаётган ишларни таҳлил этиш жараёнида бунга амин бўламиз. Банк томонидан ажратилаётган кредитлар ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошмоқда ва янги иш ўринлари барпо этиш имкониятлари кенгаймоқда.**



– Халқимизда меҳнат қилиб топганинг, қанду асал тотганинг, деган нақл бор, – дейди Навбаҳор туманидаги “Ҳамид Сардор” фермер хўжалиги раҳбари Ҳамид Аъзамов. – Юртимизда меҳнат қилиб, ғайрату шижоат кўрсатиб ишлаган инсонга ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар етарли. Хусусан, банк хизматларини олинг. Қулай, фоизи кам кредитлар, намунали хизмат боис фаолиятимиз ривожланяпти. Ишимизда унум, барака бўлмоқда.

– Мана бир неча йилдан буён хўжалигимиз иқтисодий самарадорлигини ошириш учун Агробанк билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Қўшимча тармоқ, яъни иссиқхона қуриш, аввалгисини қайта таъмирлаш ва иш ўринларини кўпайтириш мақсадида банкнинг Кескантерак филиалидан 78 миллион сўм кредит олдик. Кредит ҳисобига 12 та янги иш ўрни яратдик. Айни пайтда иссиқхонамизда лимон, помидор, бодринг ва бошқа кўкатлар етиштиряпмиз.

– Паррандачиликни ривожлантириш ва истеъмол бозорини сифатли парҳезбоп гўшт ва тухум маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда янги иш ўринлари барпо этиш мақсадида Агробанкнинг Кармана филиалига лойиҳамизни тақдим қилдик, – дейди Кармана туманидаги “Навоий Назар” хусусий корхонаси раҳбари Мурод Назаров. – Банк жамоасига лойиҳа маъқул келди ва бизга 5 мингта жўжа сотиб олиш учун 70 миллион сўм кредит ажратилди. Сармоя самарасида 6 та янги иш ўрни яратдик. Халқимизда паррандачилик етти хазинанинг бири, деб бежизга айтилмаган. Хазина “кўз”ини очишга мадад бўлган банк жамоасига миннатдорлик билдирамиз.

Айни пайтда аҳолига сифатли гўшт ва тухум маҳсулотлари арзон нархларда етказиб берилмоқда. Обод турмуш йилида ҳам банк билан ҳамкорлик қилиб, шунча оилага қут-барака кираётгани ва элимиз дастурхони тўкинлиги йўлида ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан мамнунмиз.

Бугунги кунда банкнинг асосий мижозларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда фермер хўжаликлари ташкил этади. 2013 йилнинг ўтган беш ойи давомида банк томонидан хизмат кўрсатилаётган кичик бизнес субъектларига 13,7 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратишга эришилди.

Молия муассасаси томонидан йўналтирилган сармоялар натижасида кўпгина тадбиркорлар ва қишлоқ мулкдорлари озиқ-овқат, саноат ҳамда сархил мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етиштиришда астойдил меҳнат қилиб, ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришиб келаётир. Юртимиз бозорларининг озиқ-овқат ва сархил мева-сабзавот маҳсулотлари билан тўлалиги кўзни янада қувнатади.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, тадбиркору фермерларга дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Ички бозорларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан 4 миллиард 267 миллион сўм, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналарига техник ускуналар келтиришга 3 миллиард 56 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган кредитлар эвазига 430 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Обод турмуш йилида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, яъни уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида банк томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор.

2013 йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 86 та ёш оилага 419 миллион сўм микрокредитлар, 53 та кам таъминланган оилага қорамоллар сотиб олишга 599 миллион сўм, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи 136 та хотин-қизга жами 1 миллиард 430 миллион сўм кредитлар йўналтирилди. Шу билан бирга, қишлоқ жойлардаги 80 та маиший хизмат кўрсатиш объектларига 2 миллиард 390 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди, натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Бундан ташқари, вилоят Агробанк филиаллари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларида кўп тармоқлиликни тараққий эттиришга, яъни чорвачилик ҳамда паррандачиликни ривожлантиришга 1 миллиард сўмдан ортиқ, асаларичилик ҳамда балиқчиликни ривожлантиришга 100 миллион сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, Обод турмуш йилида молия муассасаси томонидан мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида тадбиркору фермерларга ажратилаётган сармоялар аҳоли фаровонлигини яхшилашга ҳамда юртимизнинг бундан-да обод бўлишига хизмат қилаверади.

**Озод ҚИЛИЧЕВ**

○ Эълонлар

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳокимининг алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** "Мебель ишлаб чиқариш ва таъмирлаш цехи ҳамда автомобилларни ювиш шохобчаси" биноси қуриш учун Хатирчи тумани "Оқ-олтин" ҚФЙ А.Навоий массиви ҳудудидан 2500 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 393 375 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Хатирчи тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 8 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

